


"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Вилоят ҳокими ўринбосари,
вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
жамоатчилик Кенгаши раиси


М.Мамадиярова
"14" апрель 2023 йил

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ № 04

2023 йил 17 апрель

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: М.Мамадиярова-вилоят ҳокими ўринбосари в.б.

Иштирок этганлар: Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик
Кенгаши аъзолари (рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

**2023 йил биринчи чорак якунлари бўйича амалга оширилган ишлар
муҳокамаси ва 2-чорак давомида амалга оширилиши лозим бўлган устувор
вазифалар тўғрисида.**

(Мамадиярова, Кенгаш аъзолари,..., Мамадиярова)

Давлатимиз Раҳбарининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, "Аёллар дафтари" билан ишлаш тизимида оид топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган 2 йил давомида ушбу тизим орқали 60 мингдан ортиқ эҳтиёжманд хотин-қизларга амалий ёрдамлар кўрсатилди, жорий йилда эса "Аёллар дафтари" тизимининг 4-босқичида 30 мингдан ортиқ хотин-қизларга ёрдам бериш белгиланган бўлиб, ушбу йўналишда жойларда амалий ёрдамларни кўрсатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сонли Фармони билан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида йиғилиш,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокими ўринбосари-жамоатчилик Кенгаши раиси М.Мамадиярованинг кун тартибидаги масалалар юзасидан ахбороти раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, оила ва хотин-қизлар бошқармаси, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, солиқ бошқармаси туман (шаҳар)лар ҳокимлари билан биргаликда:

2023 йил 20 апрелга қадар Республика комиссиясининг 2023 йил 29 мартдаги 2-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган намунавий йўриқномалар асосида масъулларнинг ишини самарали ташкил этиш чораларини кўрсин;

жорий йил 25 апрелга қадар хотин-қизларнинг аниқланган муаммоларини ҳал этишга мўлжалланган “Йўл хариталари”ни иловага мувофиқ намунавий шакл асосида ишлаб чиқилишини ташкил этсин;

уч кун муддатда ҳисоботлар шакллари ишлаб чиқиб, ижрога қаратсин.

3. Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вилоят комиссияси Штаби (Рахимова) (кейинги ўринларда – вилоят Штаби), мутасадди ташкилот ва идоралар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари:

беш кун муддатда Оила ва хотин-қизлар кўмитаси тасарруфидаги платформага киритилган муаммоларни туман (шаҳар) - вилоят - Республика даражасидаги ижрочиларга ўз вақтида йўналтириб бориш ва ижросини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш мақсадида ички буйруқ асосида бир нафардан масъул ходимни бириктириш чораларини кўрсин;

бир ҳафта муддатда бириктирилган ходимлар тўғрисидаги маълумотларни вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармасига тақдим этсин.

4. Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, оила ва хотин-қизлар бошқармаси туман (шаҳар)лар ҳокимлари билан биргаликда:

2023 йил 25 апрелга қадар маҳалла раислари ва хотин-қизлар фаоллари томонидан ўрганилмаган хонадонлардаги хотин-қизлар муаммоларини ўрганиб, олдин ўрганилган ва ҳал этилмаган муаммолар билан биргаликда, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этиш;

аниқланган муаммоларни уч кун муддатда манзилли рўйхат асосида платформага киритиб бориш;

жорий йилнинг 30 апрелига қадар барча туман (шаҳар)лар ҳокимларининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари томонидан хотин-қизлар муаммоларини бартараф этиш бўйича “Йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари томонидан тасдиқланишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин.

5. Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси (Рахимова) маҳалла хотин-қизлар фаолларининг куйидаги сифат ва фазилатларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида уларнинг салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш чораларини кўрсин:

давлатимиз раҳбари томонидан Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги ислохотлардан, хусусан, хотин-қизларга яратиб берилган кенг имкониятлардан тўлиқ хабардор бўлишлари лозимлиги;

дунёқараши кенг бўлиши ва хотин-қизлар бўйича давлат сиёсатини маҳаллада амалга ошириши ҳамда уни кенг тарғиб қилишга қодир бўлиши

кераклиги, шунингдек камтарлиги, хулқ-атвори, ширинсўзлиги ва юриш-туриш маданияти билан маҳаллада обрў-эътиборга сазовор бўлиши зарурлиги;

аёлларни тадбиркорликка чорлаш, касб-хунарга йўналтириш, бандлигини таъминлаш ишларида ташаббускор бўлишлари кераклиги;

ўз устида ишлайдиган ва замонавий фикрлайдиган, турмушнинг барча жабҳаларида билим ва тажрибага эга бўлиб, хотин-қизларга мотивация бера оладиган ва ўзининг ортидан эргаштира оладиган аёл бўлиши лозимлиги;

оилаларда низолар ва ажримлар бўлмаслигини, хонадонларга шукроналик ҳисси кириб боришини таъминлашни ўзининг касбий бурчи ва маънавий вазифаси деб билиши зарурлиги;

маҳаллада ёшу-қари аёлларни ўз ортидан эргаштира оладиган етакчи аёл бўлишлари, боқимандалик кайфиятидаги хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаол аёллар қаторига қўшилишларини ташкил эта олишлари кераклиги.

Маҳалла раислари “маҳалланинг отаси” сифатида, ушбу вазифаларни ташкил этишда хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва профилактика инспекторини бир жамоа бўлиб, фидокорона меҳнат қилишларини таъминлаш белгилаб қўйилганлиги инобатга олилсин.

6. Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармаси, оила ва хотин-қизлар бошқармаси, солиқ бошқармаси, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, савдо-саноат палатаси, “Хунарманд”лар уюшмаси, туман (шаҳар)лар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари билан биргаликда:

2023 йил 20 апрелга қадар 21290 нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича туман (шаҳар)лар ва секторлар кесимида манзилли режани тасдиқланишини таъминласин.

Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси томонидан 7598 нафар ишлаш истагида бўлган ишсиз хотин-қизларни бўш (вакант) ҳамда ҳудудий ва тармоқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида яратилаётган иш ўринларига ишга жойлаштириш, 4000 нафар касб-хунарга ўқиш истагини билдирган ишсиз хотин-қизларни “Ишга марҳамат” мономарказлари ва нодавлат таълим муассасаларида ўқитиш;

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармаси томонидан 1000 нафар хотин-қизларга Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан белгиланган тартибда субсидиялар ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш;

Оила ва хотин-қизлар бошқармаси томонидан 3600 нафар хотин-қизларни “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари”да меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарлар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш;

Солиқ бошқармаси томонидан 1600 нафар хотин-қизларга ўзини-ўзи банд қилиш учун кўмаклашиш;

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши 200 нафар хотин-қизларга мавжуд томорқалардан самарали фойдаланиб, даромад топишларига кўмаклашиш;

“Хунарманд” уюшмаси томонидан 980 нафар хотин-қизларни “Уста-шогирд” анъанаси бўйича хунармандчиликка кенг жалб қилиш, бунда уста хунармандларни рағбатлантириш чораларини кўриш, шунингдек, уюшмага аъзо бўлган хотин-қизларнинг аъзолик бадалларини қоплаб бериш учун субсидияларни ўз вақтида ва тўлиқ ажратилишини таъминлаш.

Шундай тартиб жорий этилганлиги инобатга олинсин, унга кўра:

манзилли режаларни ишлаб чиқишда 2022 йилда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилган, бироқ ҳалигача ишсиз юрган 2 мингдан ортиқ хотин-қизларга бандлик ва тадбиркорлик масаласида ёрдам беришни инобатга олиш таъминланади;

“Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 6314 нафар ишсиз хотин-қизларга ҳам юқорида қайд этилган тартибда амалий ёрдам бериш ишлари амалга оширилади;

хатлов жараёнларида аниқланган ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида манзилли режаларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилади;

юқорида қайд этилган чора-тадбирларнинг жойлардаги ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш туман (шаҳар) ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари ҳам шахсан масъул ҳисобланади.

7. Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, иқтисодиёт ва молия бошқармаси, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармаси, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда 2023 йил 20 апрелга қадар хотин-қизларга субсидиялар ажратишда мавжуд муаммоларни ҳамда қонунчиликда белгиланган чекловларни, шунингдек ўтган йили ушбу йўналишда хотин-қизлар мурожаатларининг кўпайиши тенденциясини таҳлил қилган ҳолда, ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрласин ва белгиланган тартибда тегишли вазирлик ҳамда идораларга киритсин.

8. Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, АТ “Халқ банки”, АТБ “Агробанк” ва АТБ “Микрокредитбанк”ларнинг вилоят бошқармалари жорий йил 20 апрелга қадар тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 1055 нафар хотин-қизларга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредитларни ўз вақтида ажратиш чораларини кўриш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда услубий-амалий ёрдамларни кўрсатиб бориш бўйича туман (шаҳар) ва секторлар кесимида манзилли режани тасдиқлаб, вилоят Штабига тақдим этсин.

9. Вилоят ички ишлар бошқармаси, камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси барча туман (шаҳар)лар ҳокимликлари билан биргаликда:

2023 йил 20 апрелга қадар жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва иш билан таъминлашга муҳтож бўлган хотин-қизларни ҳамда профилактик ҳисобда турган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўриш бўйича ҳудуд, туман (шаҳар) ва секторлар кесимида манзилли дастурни тасдиқлаб, вилоят Штабига тақдим этсин;

хатлов жараёнларида ушбу тоифадаги хотин-қизлар аниқланган тақдирда уларнинг бандлигини таъминлаб бориш тизимини йўлга қўйсин.

10. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси:

2023 йил 20 апрелга қадар хотин-қизларни онкологик скрининг кўригидан ўтказиш тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда юқори турувчи вазирликка киритсин;

жорий йил давомида 300 мингдан ортиқ хотин-қизларни онкологик скрининг кўригидан ўтказиш ва касалликни эрта аниқлаш чораларини кўрсин.

11. Вилоят иқтисодиёт ва молия бошқармаси, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси мутасадди корхона ва ташкилотлар ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимлари билан биргаликда:

2023 йил 20 апрелга қадар вилоятдаги 500 нафардан ортиқ хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, 1000 нафарга яқин хотин-қизларга эса ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш йўналишларида ҳудуд, туман (шаҳар) ва секторлар кесимида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини тасдиқлаб, вилоят Штабига тақдим этсин;

хатлов жараёнларида ушбу тоифадаги хотин-қизлар аниқланган тақдирда уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиб бориш тизимини йўлга қўйсин;

жорий йил 30 апрелга қадар оила ва хотин-қизлар бошқармаси билан биргаликда хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш соҳасида мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тегишли вазирлик ҳамда идораларга киритсин.

12. Вилоят телерадиокомпанияси, оила ва хотин-қизлар бошқармасига барча туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг матбуот хизматлари билан биргаликда мунтазам равишда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг самарали ижросини таъминлаш юзасидан жойларда олиб борилаётган ишларни ҳудудий теле-радиоканалларда, босма оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Барча туман (шаҳар)лар ҳокимлари сектор раҳбарлари билан биргаликда:

доимий равишда хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ишларида мутасадди ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

ҳар ҳафтада мутасаддиларнинг ҳисоботини эшитиб, йиғилишларда муҳокама этиб борилишини таъминласин;

хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишга қаратилган “Йўл хариталари”ни ўз вақтида тасдиқлаб, унинг ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган

ишлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар 10 кунда вилоят Штабига тақдим этиб борилишини таъминласин.

14. Мазкур баёнда белгиланган топшириқлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баёнлаштирди



А.Муқимов